



20 20 у. « 17 » сентябрь № Қ-468 « » 20 г.

Термиз тумани “Каттақум” массиви
“Нурафшон” маҳалласи ҳудудидан “Surhon-
Fortune Trade” МЧЖга интенсив боғ барпо
этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/437-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/273-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/437-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Нурафшон” маҳалласи ҳудудидан “Surhon-Fortune Trade” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 105к-дала контуридаги тупрок унумдорлиги 42,1 балл бонитетли жами 7,0 гектар суғориладиган экин ер майдони интенсив боғ барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов